

ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲАНДИС ИРРИГАТОР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-53>

Хатамова Раъно Зафаржон қизи,
ТИҚХММИ Гуманитар
Фанлар кафедраси докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистондаги ирригация соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар очиқ беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, мазкур соҳа муҳандис кадрларини тайёрловчи Тошкент ирригация қишлоқ хўжалиги муҳандисларини механизациялаш институти тарихига ҳам назар ташланган. Ушбу соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва ислохотларнинг моҳияти ўрганилган.

Калит сўзлар: ирригация, кадр, қишлоқ хўжалиги, сув, ер ва сув, сардобалар, ирригация-муҳандислик иншооти, Ҳаракатлар стратегияси.

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ КАДРЫ ИРРИГАТОРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Хатамова Р.З.

докторант Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИМСХ)

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются успехи и недостатки орошения в Узбекистане. Также рассматривается история Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, который готовит инженеров в этой области. Изучается предмет решений и реформ Президента Республики Узбекистан.

Ключевые слова: ирригация, персонал, сельское хозяйство, вода, земля и вода, цистерны, ирригационное строительство, стратегия действий.


STAGES OF DEVELOPMENT OF THE SYSTEM OF TRAINING FRAMEWORK IRRIGATORS IN UZBEKISTAN

Khatamova R.Z.

doctoral student Tashkent Institute of
Engineers irrigation and agricultural mechanization

ANNOTATION

This article discusses the advantages and disadvantages of irrigation in Uzbekistan. The history of the Tashkent Institute of Irrigation Engineers, which



trains engineers in this field, is also considered. The subject of decisions and reforms of the President of the Republic of Uzbekistan is being studied.

Key words: irrigation, personnel, agriculture, water, land and water, tanks, irrigation construction, strategy of action.


Бугунги кунга келиб давлатимизнинг аграр соҳада эришаётган улкан ютуқлари замирида Ватанимизнинг садоқатли ирригаторларининг ўрни ҳам бекиёс. Охириги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижасида улкан тараққиёт босқичига кирган мамлакатимиз ривожига ва бугунги глобаллашиб бораётган дунёдаги давр талабларига жавоб бера оладиган замонавий мутахассисларни тайёрлаш эҳтиёжи ортиб бораётгани нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги [1] ва 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2] Қарорлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони [3] долзарб вазифаларнинг ечими бўлди.

Сув ва ердан оқилона фойдаланиш, суғорма деҳқончилик маданияти бизнинг заминимизда узоқ ўтмишдан бери ривож топиб келмоқда. Зардуштийлар ўзларининг бундан салкам уч минг йил илгари яратган “Авесто” китобида ер ва сувни асрашда нималарга аҳамият беришни уқтирганлар. Зардуштийлар учун инсон ҳаётининг моҳияти ҳалол ва покликдadir. Улар маданиятида табиат муҳофазаси ва атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаш ҳамда турли хатоликларнинг олдини олиш мақсадида санитария-гигиенага оид қоидалар амалга оширилган.

Қадимги Миср ва Месопатамия ҳудудларидаги каби Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам миллоддан аввалги минг йилликларда аста-секин суғорма деҳқончилик маданияти шаклланган. Деҳқончиликка ўтиш кишиларни янги ва қулай сув манбаларидан фойдаланишга ва кўшимча, кўпроқ самарали меҳнат усулларини яратишни тақоза этган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданиятининг ривожланишида Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган дастлабки давлат тузилмалари (Қадимги Хоразм, Бақтрия ва Сўғдиёна) катта роль ўйнаган. Миллоддан аввалги II минг йиллик – милодий VI асрларда ўлкамизда суғорма деҳқончилик маданиятининг тез ривожланиши ҳамда илк суғорма деҳқончилик маданиятининг шаклланиш даври бўлган.

Буюк Ипак йўлида от, хачир ва туя ҳамда ўтган-кетганларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида сардобалар қурилган. Сардобалар ўрта асрларнинг мураккаб ирригация-муҳандислик иншооти бўлиб, у саксовул кули




билан филтрланган ва сардоба ҳовузидаги сувлар бир йилгача мусаффо ҳолатида сақланиб турган. Ҳозирги кунда ҳам айрим жойларда бундай иншоотлар мавжуд. VII-XIV асрларда ирригация тизими шаклланиши натижасида суғориладиган ер майдонлари кенгайиб борган, пахта, буғдой, арпа, кунжут каби экинлар экиладиган майдонлар суғорилган. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминлаш усуллари яхши йўлга қўйилган, мироблар малакаси ошди. IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда мустақил давлатларнинг ташкил этилганлиги ўлкамизда ирригациянинг ривожланишида муҳим омил бўлди. Шунингдек, бу асрларда Ўрта Осиёлик алломаларнинг давлат бошқаруви, илм-фан, маданият, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қарашлари катта аҳамият касб этади. Улар яратган таълимотлар умумбашарий таълимотга айланди.

Амир Темур ва темурийлар даврида суғорма деҳқончилик янги босқичга кўтарилди. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши суғорма деҳқончилик равнақида муҳим босқични бошлаб берган. Мўғуллар даврида вайрон этилган ариқ, дамбалар қайта тикланган, кўплаб шаҳарлар ва қишлоқлар бунёд этилган. Карвон йўлларида сардобалар қурилган. Биринчи марта боғдорчилик санъатида ландшафт дизайни қўлланилган. Ўрта Осиёда боғларда ва саройларда фавворалар қурилган.

Ўрта Осиёнинг XVI асрга келиб, хонликларга бўлиниб кетиши ҳам суғорма деҳқончилик маданиятининг ривожланишига тўсқинлик қилмади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг бошларига қадар давом этган Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати империянинг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда олиб борилди. Натижада пахта экиладиган майдонларни суғориш учун янги ариқлар қазилар учун қидирув ишлари кучайди. Бу даврда темир йўлларининг қурилиши туфайли сардобалар тизимини ташкил этувчи карвон йўллари камқатнов бўлиб қолди. Сардобалар босқинчилик юришлари даврида ва рус босқини даврида кўплаб сардобалар кўмиб ташланган ва улар узоқ давр мобайнида қаровсиз қолдирилган. Чўлларнинг ўзлаштирилиши туфайли грунт сувининг сатҳи кўтарилиб, меъёри ўзгарди.

Совет ҳокимияти йилларида ирригация тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, замонавий техника базалари яратилши, суғориш тармоқлари ривожланиши, муҳандис ирригатор, мелиоратор ва бошқа техник мутахассисларни тайёрлаш ишлари юксалди. Бу борада республикадаги қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ўрни бекиёсдир. Айниқса, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш инженерлари институтининг (кейинги ўринларда ТИҚХММИ) бу борада қўлга киритган амалий ва назарий натижалари алоҳида аҳамият касб этади.

Марказий Осиё мамлакатларида биринчи бўлиб Тошкент шаҳрида ташкил этилган ТИҚХММИ XX аср бошларидан бугунги кунгача муайян шаклланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди. Аввало, минтақамизда ирригация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация бўйича етук мутахассисларни



тайёрлайдиган илк олий таълим даргоҳи бўлган ушбу институтнинг юртимизда ташкил этилиши Ватанимизда қадимдан яратилган мустақкам тарихий асос ва асрий тажрибаларнинг ўзига хос мантиқий давоми бўлгани шубҳасиз.

Маълумки, институт вужудга келган илк йиллардан 1990 йиллар бошигача Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлди ва бу нафақат республикамиз, балки институт ҳаёти ва фаолиятида ҳам муайян из қолдирди, албатта. Унинг ташкил этилиши, мамлакатимиздаги етакчи олий таълим даргоҳларидан бири сифатида шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ўрганиш ана шундан далолат беради.

1920 йил 7 сентябрда собиқ шўролар ҳукумати томонидан Тошкент шаҳрида Туркистон давлат университети (ТДУ)ни ташкил этиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши учун муҳим туртки бўлганидан далолат беради. Ўша давр шароити ва талабларига мос йирик олий ўқув юрти ҳисобланган ТДУ таркибида мавжуд бўлган 8 факультет орасида қишлоқ хўжалиги ва техника факультетлари фаолият кўрсатгани эса, сал кейинроқ ТИҚХММИ шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган.


1923 йил бошларида университетнинг техника факультети муҳандис- мелиораторлар факультетига айлантирилди. 1923-24 ўқув йилида биринчи мутахассислар тайёрланди. Қишлоқ хўжалиги факультетини 24 киши, муҳандис-мелиоратор соҳаси бўйича 16 киши тамомлади.

1930 йили Ўрта Осиё давлат университети қишлоқ хўжалиги факультетининг машинасозлик бўлими қайта ташкил этилди ва қишлоқ хўжалиги институти қошида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультети таркиб топди, 1931 йили апрель ойидан бошлаб, Ўрта Осиё политехника институтининг сув хўжалиги факультети ажралиб чиқди ва Ўрта Осиё сув хўжалиги муҳандислари институтига айланди.

1934 йил 17 сентябрда Ўрта Осиё ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу институт Ўрта Осиё ирригация муҳандис-техник институти ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтларининг кўшилиши натижасида юзага келди. Институтда илмий, техникавий, ўқув ва бошқа йўналишлар шаклланишида ўша давр ректорларидан А.М.Алибеков (1934-1938), Н.А.Степанов (1938-1940), Х.К.Комилов (1940-1942), В.В.Винокур (1942-1943 й.), И.И.Грибанов (1943-1946 й.)ларнинг ташкилотчилиги муҳим рол ўйнаган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу раҳбарлар билан бирга машҳур тупроқшунос олим А.И.Димо, профессор В.Д.Журин, Е.П.Залесский, Ф.П.Моргуненков, В.Ф.Булаевский, биринчи аёл-ирригатор, доцент Т.А.Колпакова, академик Қори Ниёзий, Н.С.Хурусталева, Д.С.Топорнин, Н.И.Лебеденский, К.Ф.Жувал, Г.М.Сваричевский, М.Я.Громов, Б.Х.Шлегел, Л.И.Иванов ва бошқа қатор олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланган кунлариёқ институтнинг профессор ўқитувчилари таркиби ўз педагогик ва илмий фаолиятларини чамалаб чиқдилар, талабалар эса ўқиш билан биргаликда мудофаа ташкилотларида, халқ хўжалигининг йирик қурилиш объектларида, жамоа хўжаликлари ишлаб



чиқаришда ва ирригация қурилиш учун раҳбар ходимлар тайёрлаш ишларида фаол қатнашдилар.


Иккинчи жаҳон урушининг якунланиши халқимизнинг тинч меҳнат қучоғига кириб боришга имконият туғдирди. Бу даврда Ўзбекистонда пахта хомашёси ишлаб чиқаришни урушгача бўлган даражасига етказиш учун тинимсиз иш олиб борилди. Халқ хўжалиги талабига биноан ТИҚХММИда 1946 йилда иккита янги факультет очилди: Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш ва Гидроэнергетика факультетлари.

Ўтган асрнинг 50-60 йиллари нафақат институт, балки бутун Ўзбекистон ирригацияси, қишлоқ ва сув хўжалиги муҳим бўлган ушбу даврда Мирзачўлни ўзлаштириш муаммолари билан боғлиқ кенг илмий доиралар мелиоратор олимлар эътиборини ўзига тортди ва бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

60-йилларда хориж мамлакатлари учун мутахассислар тайёрлаш сезиларли даражада кенгайтирилди. Институтнинг турли факультетларида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатидан фуқаролар таҳсил ола бошлади. 1961 йилда институтда хорижий мамлакатлар учун фан номзодлари тайёрлаш йўлга қўйилди. 1963 йилдан бошлаб институтда ҳар йили қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация муаммолари бўйича БМТ стипендиатлари учун халқаро семинарлар ўтказила бошлади. Бу анжуманларда Руминия, Миср, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Эфиопия, Греция ва бошқа мамлакатлардан мутахассислар иштирок этган.

1970-1980 йиллар институт учун унинг янада ривожланиш ва кучайиш даври бўлди. Янги ўқув-лаборатория ва ётоқхона бинолари қурилиши авж олди, ўқув-тажриба хўжалигида ишлаб чиқариш сув хўжалиги, турар-жой ва ўқув объектлари катта қурилиши бошланди. 1970 йилга келиб институт томонидан жами 11,5 мингта қишлоқ ва сув хўжалиги муҳандислари тайёрланди. Бундан ташқари, саккизинчи беш йиллик давомида малака ошириш факультетида 1600 мутахассис қайта тайёрлашдан ўтди.

1970 йилда институтнинг 137 нафар педагог ва ходимлари «Фидокорона меҳнатлари учун» медали билан тақдирланди. ХТ-1,2 пахта териш машинаси яратганлик ва ишлаб чиқаришга жорий қилганлик учун институтнинг собиқ битирувчилари А.Приходько ва П.Глазатов 1967 йил Ленин мукофоти билан тақдирланган. Институтнинг кўп минг кишилик жамоаси Иттифоқ Олий Кенгаши Президиумининг 1971 йил 26 январдаги қарори билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Институтнинг кўплаб олимлари меҳнати муносиб тақдирланган. Ўзбекистон ССР ФА академиги, институт олий математика кафедраси мудири Т.Қори-Ниёзийга 1967 йил Иттифоқ Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, доцент А.Аскарловга, олий геодезия ва аэрофотогеодезия кафедраси мудири, профессор М.Масловга, қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси мудири, доцент В.Лазуновга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, сиёсий иқтисод кафедраси мудири, профессор Г.Ризаевга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил қилиш ва иқтисодиёт кафедраси доценти Т.Старцевга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган



иктисодчи” унвони берилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир-аъзоси, профессор Г.Кошевников ва ўқув-тажриба хўжалиги ишчиси У.Тошматов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, профессор П.Татур, доцентлар Н.Иноятов ва Р.Каримов, ўқув-тажриба хўжалиги ишчиси Р.Ибраева «Хурмат Белгиси» ордени билан, доцент Д.Мавлонова «Фидокорона меҳнатлари учун» медали билан мукофотланди.


Ушбу даврда институт структурасини такомиллаштириш, қишлоқ ва сув хўжалиги учун бўлғуси муҳандислар тайёрлаш сифатини ошириш ишлари кенг кўламда давом этди. 70-йиллар бошларига келиб ТИИИМСХ ривожланиши, унинг қишлоқ ва сув хўжалиги учун муҳандис кадрлар тайёрлашнинг йирик марказига айланиши давом этди. Институт педагогларининг сифат таркиби ҳам тўхтовсиз ўсиб ва яхшиланиб борди. У 1978 йил 798 кишидан 1988 йилда 894 кишигача ўсди, уларнинг қаторида 23 та профессор, 346 та фан номзоди ва доцент бор эди.

Кўплаб тадқиқотлар ихтиролар даражасида амалга оширилган 1971 йилдан 1975 йилгача институт ўқитувчилари 34 та муаллифлик гувоҳномасини қўлга киритди, институт олимлари томонидан яратилган ва ишлаб чиқилган 4 та ускуна Братск, Красноярск, Набережние Челни шаҳарларидаги гидротехника қурилишларида, «Гидромеханизация» бутуниттифоқ трестида жорий қилинди. Улардан бири Иттифоқ ВДНХ медали билан, 6 таси эса Ўзбекистон ҳукумати ВДНХ дипломлари билан тақдирланди.

Ушбу даврга келиб институт қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш йирик марказига айланди. Кафедралар ва лабораторияларнинг аксарияти техник воситалар билан жиҳозланди. Институтнинг профессор-ўқитувчилар таркиби жамоат ташкилотлари билан биргаликда талабаларнинг сифат таркибини яхшилаш бўйича изчил ишларни амалга оширди. Бу қишлоқ ёшлари вакиллари сонининг 1980 йил 1487 кишидан 1983 йил 1565 кишигача, ишлаб чиқаришда иш стажига эга бўлганларнинг – 189 кишидан 443 кишигача, колхоз, совхоз, қурилиш ва саноат корхоналарининг йўлланмалари бўйича – 229 кишидан 802 кишигача ўсиш имкониятини яратди.

1987 йили ТИҚХММИ педагоглари билан Тошкент шаҳридаги 142-ўрта мактаб қошида лицей ташкил этдилар. Қобилиятли, зукко ўқувчилар танланиб, лицей иш бошлади. Бу эса институтга қирувчилар билими сифатини янада яхшилашга имкон берди.

Талабаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришни такомиллаштириш бўйича унумли фаолияти учун институт ректори, профессор С.Искандаров Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди, М.Мурадов, Ю.Осадчий, Ю.Прихожко, Э.Файзибоев, Р.Худойбердиев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», Х.Аскарров ва Л.Машкович «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор», Н.Волькович, В.Грудцин, Т.Ибрагимов, У.Мансуров, Т.Мирсадиов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор», В.Кайгородов, Д.Ярманов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими», О.Лебедев, Ф.Рахимбоев, Э.Хайкин «Қорақалпоғистон Автоном Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига эга бўлди.



1980-1990 йиллар давомида институтнинг Ш.Мирзиёев, Х.Хайруллаев, Ю.Осадчий раҳбарлик қилган ташкилотлари унумли иш олиб борди ва самарали натижаларга эришди. Улар ўз фаолияти билан таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш усуллари ва шакллари такомиллаштиришга хизмат қилдилар.

1990 йил бошларига келиб институтдаги 50та кафедрада 544 нафар профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлар фаолият олиб борар эдилар. Улардан 40 нафари фан докторлари ва профессорлар 376 нафари фан номзодлари ва доцентлар, 4 нафари “Ўзбекистон хизмат кўрсатган фан ва техника арбоблари”, 20 нафари хизмат кўрсатган ирригатор, механизатор, ер тузувчи, халқ таълим ва маданият ходими деган фахрий унвонлар соҳиблари эдилар.


Истиқлол йилларида институт ходимлари юксак муваффақиятларни қўлга киритдилар, мустақил Ўзбекистон республикасининг иқтисодий, илмий-техник ўсишига муайян ҳисса қўшдилар. Бу даврда институтнинг моддий-техника ва ўқув базаси янада мустаҳкамланди, мутахассислар тайёрлаш услублари ўзлаштирилди профессор-ўқитувчилар тизимининг ҳамда талабаларнинг маданий-маиший шароити яхшиланди. Ўқув фаолияти ва лабораториялар учун зарур бўлган тўққиз қаватли бино қурилиб, ишга туширилди, 21400 ўринли беш ётоқхона, 221 хонали тўртта яшаш уйлари, 500 киши овқатланадиган ошхоналар қурилди.

Институт замонавий ўқув ва илмий-тажриба, моддий манбага, умумий фойдаланиладиган майдони 110 минг кв.м. бўлган ҳашаматли ўқув-амалий бўлинмалари жойлашган биноларга эга бўлди. Ана шу тажриба лабораториялари бугунги кун талабига жавоб бера оладиган асбоб-ускуналар бадан жиҳозланган. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида ҳозирги замон компьютер тизими қўлланила бошлади. Синовдан ўтказилган беш тизимлар тўплами ишлаб чиқилиб (АСУ-ВУЗ) тадбиқ этилди.

Талабаларнинг ҳар томонлама, умумилмий ва махсус тайёргарликларини яхшилаш мақсадида 1991 йили умуммуҳандислик ўқув маркази (УМЎМ), Ирригация ва механизация тармоги бўйича ўқув-илмий марказлари ташкил топди. Марказлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаштириш, ер тузилиши, сув хўжалигини иқтисодий ташкил этиш факультетлари тузилди.

1994 йилда институтдаги 50 кафедрада фаолият кўрсатаётган олимлар қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида фан-техника жараёнини юксалтириш учун Илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу кафедраларда 643 юқори малакали педагог фаолият кўрсатди. Професор-ўқитувчилар таркибида 43 профессор, 319 фан номзодлари -доцентлар бор эди.

Институтни янада тараққий эттиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли Қарори [4]асосида Тошкент ирригация ва мелиорация институти негизида ТИҚХММИнинг ташкил этилишидан бошланди. Президент қарорига мувофиқ аграр соҳани салоҳиятли, рақобатбардош




кадрлар билан таъминлаш, ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия, ўқув-тажриба жараёнини дала майдонлари (полигонлар)да, хўжаликларда, корхоналарда ўтказиш, ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан тўла таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ камраб олишни ва бошқа талабларни сифатли бажарилишини таъминлаш институт профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг асосий вазифалари бири бўлиб қолди.

Институтнинг “Мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси дастури” ишлаб чиқилган. Ҳаракатлар стратегияси дастури ТИҚХММИнинг ўқув, ўқув-услугий, маънавий-маърифий, илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш, халқаро алоқалар ва жамоатчилик ишларини ривожлантириш, яъни республикамизда ер ва сув ресурслари, гидротехника ва сув хўжалиги иншоотлари ҳамда мелиоратив ва қишлоқ хўжалиги машиналардан самарали фойдаланишни, иқтисодий барқарор, тараққиёт ва хавфсизликни таъминловчи баркамол, етук ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича стратегик вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини тубдан ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сонли ва 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарорларига асосан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини 2030 йилгача истиқболли ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган ва у амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида хориж тажрибаси, хусусан Quacquarelli Symonds Британия консалтинг компаниясининг QS World University Rankings, Times Higher Education Британия нашриётининг THE World University Rankings халқаро рейтингларнинг мезонлари ўрганиб чиқилди. Шу асосда институтни 2021 йилгача жаҳондаги биринчи 1000 таликдаги олий таълим муассасалари сафига кириши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори асосида Институт томонидан амалдаги ва янгидан киритилган 25 бакалаврият таълим йўналишлари ва 23 магистратура мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари, малакавий талаблар, ўқув режалар ва дастурлар соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, тегишли вазирлик, идора, ташкилот, компания ва корхоналар мутахассислари билан биргаликда таҳлил қилиниб, янгидан ишлаб чиқилди. Қайта ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатлар ОЎМТВ томонидан 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруқ билан тасдиқланган ва белгиланган



тартибда янги 2017-2018 йилдан бошлаб жорий этилган. Мутахассис чиқарувчи кафедраларга бириктирилган иш берувчи ташкилотларнинг етакчи ва тажрибали мутахассислари, ишлаб чиқаришдаги замонавий техника ва технологиялар, инновацион янгиликлар бўйича талабалар ва профессор ўқитувчилар учун муаммолар маърузалар ўқиши тизимли равишда йўлга қуйилган.

ТИҚХММИ томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирликлари тасарруфидаги ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналарида 21 та мутахассислик кафедраларнинг филиаллари ташкил қилинган. Мазкур филиалларда катта илмий изланувчилар, магистрантлар ва талабалар ўқув ва илмий лабораторияларида машғулот ўтишлари ҳамда тадқиқот изланишларини олиб боришга имконият яратилган. Ҳозирги кунда икки томонлама тасдиқланган график асосида ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги даврда институтда кўп сонли профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, ишчи ва хизматчилардан иборат аҳил жамоа шаклланди. 2018 йил март ҳолатига кўра институт бўйича 549,25 штат бирлигида жами 484 нафар профессор-ўқитувчи асосий штатда (шулардан 40 нафари фан докторлари, 171 нафари фан номзодлари), 144 нафар профессор-ўқитувчи ўриндошлик асосида (шулардан 21 нафари фан докторлари, 38 нафари фан номзодлари) фаолият олиб бормоқда. Илмий салоҳият асосий штат бўйича 43,6 % ни, ўриндошлар билан 44,0% ни ташкил этади.

Институтда ўқув жараёни тизимли ташкил этилган ва унинг сифатини яхшилаш, таълим самарасини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Институтда **25 та бакалаврият таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бакалаврият таълим йўналишларида 6253 нафар, магистратура мутахассисликларида 182 нафар, жами бўлиб институтда 6435 нафар талабатарҳсил олмоқда.**

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ҳамда ўқув муассасалари билан сув хўжалиги ташкилотлари ўртасидаги алоқа тизимини такомиллаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида” Дастур тасдиқланган. Мазкур дастурлар (ҳар йили 2012, 2013, 2014-2017 йиллар учун) асосида сув хўжалиги ташкилотлари ва институт ўртасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси яхши йўлга қуйилган (Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012, 2013, 2014, 2015-2017 йиллар учун тасдиқланган Дастурлари илова қилинади). Жорий ўқув йилида сув хўжалиги бўйича корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари ва раҳбарлари жорий ўқув йилида талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун 44 та “Муаммоли маъруза” қилинган.

Институтда охириги икки йилда ўқув-методик ишлардан 28 та дарслик, 135 та ўқув қўлланма, 170 та **услубий қўлланма, 498 та услубий қўрсатма, 115 та ўқув-услубий мажмуалар ва 2 та электрон дарслик** чоп этилган. Институт профессор-ўқитувчилари 2016 йилда 7 та таълим соҳаси бўйича “Йилнинг энг яхши педагоги” танловида иштирок этиб, 7 нафар профессор-ўқитувчиси

“Йилнинг энг яхши педагоги” танловининг Республика босқичида **биринчи ўрин эгаллаган**. 2017 йилда эса 7та таълим соҳаси бўйича “Йилнинг энг яхши педагоги” танловида иштирок этиб, **8 нафарпрофессор-ўқитувчиси** “Йилнинг энг яхши педагоги” танловининг Республика босқичида **биринчи ўрин эгаллаган**.

Институтда бир қатор илмийлабораториялармавжуд ва улар самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Гидромелиорация факультетининг “Ирригация ва мелиорация”, “Гидравлика ва гидроинформатика”, “Гидрология ва гидрогеология”, “Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш” ва “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедралари; Гидротехника қурилиши факультетининг “Гидротехника иншоотларини қуриш” ва “**Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш**” кафедралари; Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг “Қишлоқ хўжалигини машиналари” кафедраси; Гидромелиоратив ишларини механизациялаш факультетининг “Гидромелиоратив ишларини механизациялаш” кафедраси; **Қишлоқ хўжалигини автоматлаштириш ва электрлаштириш** факультетининг “**Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари**” кафедраси ўқув-илмий лабораториялари фаолият кўрсатади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2910-сон Қарори, <https://www.lex.uz/docs/3174685/>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, <http://uza.uz/oz/documents/suv-obektlarini-mu-ofaza-ilish-tizimini-yanada-takomillashti-25-09-2017>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сонли **Фармони**, [www.nrm.uz/contentf?doc=497070 &products=1_vse zakonodatelstvo_uzbekistana](http://www.nrm.uz/contentf?doc=497070&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли Қарори, <http://www.lex.uz/docs/3222090>.

5. <http://www.lex.uz/docs/3222090>.

6. <http://www.amunews.uz>

7. <http://www.visibleearth.nasa.gov>

8. <http://www.data.gov.uz>

9. <http://www.bbc.co.uk>

10. <http://www.strategy.gov.uz>.